



(В. 16) Бисмиллаҳир роҳманир роҳим ва бихи настаъин. Алҳамду лиллаҳил-ҳабир ва ҳува ала кулли шайин кодир вас-салату вас-саламу ала хойри ҳолкиҳи Муҳаммадин ил-мухтар ва ала алиҳи ва асҳабихил-аҳйар. («Барча нарсани билгувчи, ҳар нарсага кодир Тангрига ҳамду санолар бўлсин. Ўзи халқ қилган инсонлар ичидан сараланган Муҳаммадга, унинг оиласи ва яқин саҳобаларига Тангри еаломи ва саловоти бўлсин»). Хулласи, хабарларда келтирилганки, Тангри таоло оламини бино қилгач, олам яратилишининг ибтидосида, (уни) яратиш аввалида ҳазрати вожиб ул-вужуддан ташқари. Хабардор қилинган ҳазрати (Тангри), хабар берган одамлар ўзи воқиф эмасдир, истадики башар отаси, ҳазрати Одамини, Оллоҳ уни софий қилсин, (Оллоҳнинг саловати бўлсин), тупрокдан яратмоқчи бўлди-ю, ўзининг халифалик хилқатини унинг устига ёпди. Инни, жаилун филарзи халифатан, («Ер юзида буйруқларимни ижро этувчи одамнинг яратувчисиман») экан, шу мўъжаз сўзлар адолатининг шоҳиди бўлганидек, дастлаб Жаброил алайҳиссаломни юбордики, Одам алайҳиссаломнинг пок тийнاتини яшаш учун ҳозир муаззам Каъба иморати бино бўлган жойдан бироз намрок тупрок келтиришни буюрди. Жаброил алайҳиссалом ерга тушгач, бир каф тупрок олмоқчи бўлди. Замин фалаклар ва малакларни яратган Раббимга касамёд қилиб, дедик, унга бир каф ҳам тупрок бермагай: мёндан бир халқ вужудга келгусидирки, сёндан вужудга келмагай. Сён туфайли мён Оллоҳи таоло ҳузурига бормаганим бўлсин. Жаброил алайҳиссалом қайтиб бориб, заминдан эшит-ганларини зор йиглаб Тангри таолога арз қилди. Оллоҳнинг раҳми келиб унинг касамини қабул қилган эди. Сабабларини

сўраганда рад қилди. Кейин бу ишни ҳазрати Меқойил алайҳиссалом адо этиши учун фармон бўлди. Ер унга ҳам касам билан бир каф тупрокни олмаслигини ўтинди. У ҳам қайтиб кетди. Ундан кейин Оллоҳи таоло амри билан Исрофил алайҳиссалом келди. Замин уни ҳам қайтарди. Тўртинчи маротаба ҳазрати Зулжалол Тангри таоло олий қарамли Азройил алайҳиссаломни жўнатди. У ҳам замин касамини қабул қилмай, деди: «Худойи таоло амри сёнинг касамингдан устунроқдир».

Сўнг бутун ер юзидан турли навъ қуругу ҳўл, оку қора, қизилу (в. 2а) сарик, ачқигу шўр, нордону ширин ерларидан бир сикимдан олди. Инсон синфлари саногига қараб олди. Қайсисининг қабри қаерда бўлса, ўша жойдан тупрок олди. Чунончи, ҳазрати пайгамбар соллаллоҳи алайҳи вассалам фи оллоҳи ва асҳобаҳи ҳоқларини ҳам онҳазратнинг озода ва шаҳодатли мунаввар қабрлари ўзлари яшаган шаҳарлари-да муанбару муаттардир, ўша жойдан олди. Хуллас, унга бир каф тупрокни сакқиз беҳиштга келтириб, тасним сувида қордилар ва барча яқин малойикаларга ва беҳишт аҳлига буюрдиларки:

«Барчангиз Одам алайхиссалом хоки тийнати-да тасним суви билан кориб, Мухаммадий нуруни омонат куйиб, суркангизлар. Шуни билиб олингларки, оламини яратишдан асл мақсад Одам эди. Одамни яратишдан мурод онхазратнинг вужуди туфайлидир. Фарқи муборақлари: «Лавлокалама холактил-афлок» (Сен бўлмаганингда мен фалақларни яратмаган бўлардим) тожи билан зийнатли, истикоматли коматлари ва «моирсилнакул-рохматилилала-мин» («Биз сени раҳмат ёғдирувчи қилиб бутун оламга юбордик») ташрифи билан мушарраф бўлди. Хазрати Азройил алайхиссалом парвардигор амрини барча ишлар билан жойига қўйди. Хазрати ҳақ таоло арвоҳ қабзини унга хавола қилди. Ҳақ таоло субҳона амри билан илоҳий қудрат туфайли қирқ кеча-кундуз Одам алайхиссалом хокига раҳмат ёмғири ёғди.

«Хумрати тийнати одам би ядийи арбаин сайёҳан» мазмунига кўра Тангри таоло қудрати қўли билан инсоният сурати либосини унга қийғизди ва қалбига руҳ уфурдики «фи нафаҳти мин руҳи» («Мен унга руҳимдан юбордим»)дан уни хабардор этдилар. Салафларнинг китобларида батафсил қайд этилганки, тарих аҳли ёзадиларки, халқ қилинган қуни Одам алайхиссалом ердан булутларгача қўтарилдилар. Айтишларича, Одам алайхиссаломнинг қамтарин қунаси Абулбашар шариф лақаби Сафиюллоҳдир. Шунинг учун Одам дейилганки, муборақ жисмлари ер юзасидан олиб (адими замин) яратилган. Шу сабабли унга Одам деб исм қўйишди. Баъзилар фикрича (Одам алайхиссаломнинг) покиза баданлари бугдойранг бўлган. Шунинг учун Одам деганлар, Дастлабки фикрга кўра, Одам сўзи адим — пўст сўзидан олинган (в. 26); лугатда уни «рўйи замин пўсти» дейилган. Иккинчи ривоятга кўра, Одам «одама» (сўзидан)дан олинган. Ал-адама (мим ва дол фатхали, хо — сокин) деб бугдой ранглини айтилган. Бошқа бировларнинг айтишича, сув билан тупроқ аралашмаси Одам дейилган. Ҳар қалай хазрати ҳақ таолонинг Одамни яратишида қўп ҳикматлар ва турли-туман сирлар саноксиздир. Шу жи-хатдан исм қўйиш илмининг барча қийлу қолини бевосита унга ўргатди. «Аллама Адам аласмаа қуллага» («Одамга исмларнинг ҳаммасини ўргатди») бунга шохиддир. Барча малойика унинг илмига яқин, хос фазилатига иқроор ва эътироф этувчи бўлдилар. Худойи таоло фармони билан * унга сажда қилдилар. Факат Иблис бу ишдан ибо қилди ва Одамга сажда қилмади. «Усжуду ли-Адама фасажаду ли Иблис ва қа-на мин ал-жинни, фа фасака» («Одамга сажда қилинлар, аммо Иблисга сажда қилдилар, у жинлардан бўлиб, Парвардигор амрига итоат этмаган эди»). «Ан амри раббихи фасаждал малойикату қуллуҳум (ажмайна)илла иблис» — («Малоикаларнинг ҳаммаси ҳам сажда қилдилар, иблисдан ташқари») сўзи бунинг адолати шохидидир. Мўътабар китобларда ёзилишича, «Одам» лафзи ибрийча-дир. Одам алайхиссаломнинг яратилишини муҳаррам ул эҳром ошуро ойи ўнинчи қуни, жумаъ қуни соат 11 да; биринчи толеъ бўйича Жади ва Зухал даражасида, Муштарий Хутда, Миррих Хамалда, Камар Саратонда, Шамс Асадда, Аторуд Сумбулада, Зухро Мезонда пайтида бугдойранг қиши чехрасида баланд қоматли ва жингала соқли қилиб яратади. Яратган Тангри хазрати Одамга беҳиштдан жой берди. Хаввони у уйқутираб турганда унинг чап биқинидан яратди. Аксарий уламо фикрича, уларга бугдой ейишлиқни манъ қилди. Абдуллоҳ ибн Аббоснинг, Оллоҳ ундан рози бўлсин, ривоят қилишича, узум ейишни, баъзиларнинг айтишича, ояти Сарихдагидек, анжир ейишни (ман қилган). Айтишларича, Одам алайхиссаломга сажда қилмасликни (даъват этган) Иблис «Ва инна алайка лаънати ила йавмиддин» («Сенга менинг лаънатим қиёматгача») тавқи лаънати қўйида қўрди. Жуда қўп ибодат қилганидан (Худо) фармонига бир бўйсунмагани учун ҳеч фойда топмади. Одам алайхиссалом билан адоват қилиб шумлиқлар қилишга

интилди. Одам алайхиссалом жаннатда эди. Иблис харгиз унга йўл тополмади, то бир куни хувори ансорий хийласи бирлан кисса ва тафсир китобларида шу нарсa машхурки, жаннатга кириб олди. Бомдодда товусни кўрди. У беҳишт кўнгураси эди (в. 3а) Илон ёрдами билан беҳишт дарбонлигини олди. Аввал ёлгондакам саҳобаликни олди. Уни истеъмом килмасдан, Одамга ҳам едирмай дархол беҳиштий кийимларини улардан ечириб олди. Улар ялангоч колдилар. Кейин хар бири бир нечтадан анжир дарахтнинг баргидан олиб авротларини беркитдилар. Хар бешаласи ҳам хазрати иззат Тангриси амри билан жаннатдан чикиб кетдилар. Одам алайхиссалом айтишларича Хавво билан бирга уч соатдан зиёд яшамаганлар. Яна дейдиларки, найсон (ойи) бешинчисида, одина куни, бошка бир (ривоят) га кўра тўккизинчи найсон кунида, соат еттида Хиндистон заминига, Сарандаб тогига Одам алайхиссалом хубут килди. Хавво розиёллохи анха Жиддага, Маккаи муаззама худудидаги дарё лабига, товус Хиндистонга, илон эса Исфaхонга, Иблис Симнонга (тушдилар). Айтишларича, Одам алайхиссалом дунёга хубут этиши билан соколи чикди ва юз йил Сарандиб тогида тоатда, зорликда, оху фиғонда истикомат килди-ларки, кўп йиглаганидан муборак кўз ёшларидан ўсимлик-лар, мисли филфил ва калампир, долчин, сумбул ва бошка (ўсимликлар) униб чикдики, бугунги кунда муборак кўзлари баракотидан унинг авлодлари орасида доривордир. Юз йил. ўтгач, ошуро куни унинг тавбаси қабул килинди. Ошуро кунининг бундан ташкари ҳам фазилатлари кўпдир. Масалан, Идрис алайхиссалом ва Исо алайхиссаломнинг осмонга кўтарилиши, Нух алайхиссалом кемасининг Жудий тогида тургун бўлиши, хазрати Иброҳим алайхиссаломнинг тугилитди ва пайгамбарлиги, унинг Намруд оташидан халос бўлиши, Мусо алайхумуссаломнинг тугилиши, Довуд алай-хиссалом тавбасининг қабул килиниши, Сулаймон алай-хиссаломнинг ўз Малики билан кайтиб келиши, Айюб алайхиссаломнинг кирмон ранжидан сиххат топиши, Мусо саловатуллохнинг дарёдан кутулиши, Юнус алайхисса-ломнинг балик корнидан чикиб келиши, Од кавми бошидан балони даф килган Яъқуб алайхиссалом кўзининг равшан бўлиши, Юсуф алайхиссаломнинг Канъон чоҳидан чика-рилгани, Зикриё алайхиссаломнинг фарзанд талаб килгани, унинг Яхё алайхиссалом хакига ўкиган дуосининг мустажоб бўлиши, Мусо алайхиссаломнинг Фиръавн мажбурий меҳнати устидан галабаси ва хоказолар шу куни содир бўлган. Бу табаррук кундир. Одам алайхиссалом тавбаси-нинг (В. 36) қабул килиниши билан кўникиши учун байтулмаъмурни беҳиштдан ерга олиб тушдилар, бугунги кунда Каъба ҳарамии жойлашган мавзеъга (ўрнатдилар). У тамбман кизил ёкутдан ясалган эди. Хуллас, хазрати Иззати Жалли жалола руҳулқуддусга Одам алайхиссаломга ҳаж расм-русумлари ўргатмокни буюрди. Одам алай-хиссалом ҳажни ўтказиб, ҳаж асносида Арафот мавзеъида Хаввони топди. Ўша маконда улар бир-бирларини танишди. Шу сабабдан бу жойга Арафот номини бердилар. Бу мавзеъни Мазулфа дейдилар. Монийлик таманноси инояти ижобати учун дуо килганларки, ул мавзеъни мутаарраф (ошно бўлинган жой) Арафот маъносида ҳосила килганлар. Хуллас, Хавво розиёллохи анху ва Одам алайхиссаломдан бир киз ва бир ўғил тугилди. Ҳақ таоло амри билан Одам алайхиссалом кориндаги кизни кориндаги ўғил билан берди. Токи икки ўртада фарк бўлсин. Кобил ва опалари тугилди. Хуснисурат юзасидан Кобилнинг майли бўлмайди. Ўз эгизини хохламайди. Одам алайхиссалом эгизини Кобилга берди. Шу сабаб улар ўртасида келишмов-чилик пайдо бўлди. Одам алайхиссалом уларга қурбонлик килишларини буюрди, кимнинг қурбонлиги қабул бўлса, шунинг иқлимосини берурман. Хуллас, хар бири бит-тадан кўйни тоғ тепасига олиб

чикдилар. Оташ келиб Кобилнинг курбонлик кўйини пиширгани учун Одам алай-хиссалом иклимони Кобилга берди. Кобил шу сабабдан Хобилга душман бўлиб қолди. Тушида тош билан унинг бошига урди ва ҳалок қилди. Айтишларича, бир муддат Хобил мурдасини кўтариб юрган ва уни нима қилишини билмаган. Бир куни бир юртга борган, қараса, бир қарга қарга билан жанг қилмоқда. Бири ўлдирилди, тирик қолган қарга ўлик қаргани тупрок остига беркитди. Кобил ўша қаргадан дафн қилишни ўрганди. Кейин Хобилни дафн этди. Одам алайхиссалом шунгача ўлимни кўрмаган эди. Бу воқеадан воқиф бўлгач, сурёний тилда бир неча байт ўқиди. Уламо уни тозий (тилига) таржима қилган. Назм (мазмуни):

Диёр ўлмишдурур бу дам мугаййар, ки ер юзи қабих ўлди-ю мугаййир, уланнинг таъми рангидир ташаййир, фарогат бўлмади бир ҳўбманзар. Дариго, қани Хобилим-ки, бу дам, ер жисминда ётур то рўзи махшар.

Кейин Иблис (В. 4а.) Кобилга игвогарона деди: олов сендан ранжиди. Нега сен унга сажда қилмадинг? Оташга сажда қилганингда сендан хушнуд бўларди. Шундан кейин курбонингни инобатга оларди. Бу сўзлар Кобилни та-раддудга солиб қўйди. Иблис васвасаси унинг дилига кўчди. Оташга сажда қилди ва Ҳакдан бўлакка қатл этиш, оташпарастлик расми Кобилдан қолган. Бу бидъат танасига унинг қўли билан асос қилинди. Қиёмат қунигача қимқи Ҳакдан ташқари қатл этса, оташга сажда қилса, бир жазо тариқасида масалан бу қорани ҳақ таоло амр қилади. Кобил

номаи аъмолига сабт қиладилар. Чунончи, бу қора жазо қисми бир омил номаи аъмолига бу қикки феъл ёзиб қўйиладики, жазо қунида ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида жазо ижросини буюрадилар. Аласт даврида бўлганидек, ҳазрати иззати жалли жалола Одам алайхиссалом зурриётини унинг пуштидан жудо қилдилар. Ўша ал-Мисок қамонидан талаб қилиадики, «ва из аҳаза Роббуқа мин бани Адама мин зуҳуриҳум зуррийатаҳум ва ашҳадаҳум ала анфусихим аласту би раббикум қолу бала». («Агар қарвардигоринг Одам болаларидан уларнинг зурриётларини олиб ўзларига қўрсат-са, мен Қарвардигорингиз эмасманми? Ҳа, шундай!»)

Алоҳида қарақалар унинг қами авлодларини унга қарши қўйдилар. Улар орасидан бирини қўрса йиглаб турибди, сўнг сўрди: Бу қим? Жавоб бердики, сенинг қарзандларингдан-ман. Қусодара ваҳимасидан қарима йиглайсан, Сен йиглаб қурган экансан, у ҳам йиглайди. Одамнинг унга қарми қелиб сўрдики, сенинг ёшинг нечада? Жавоб бердиларки, олтмиш ёш. Одам алайхиссалом бу қилих қарзанд умрининг қалталигини қўриб, ақронларидан унга қармат айтди. Деди: ўз умримдан унга қирк йилини бағишладим. Ҳақ субҳона ва таоло у қарзандларга қозилиқ берди. Одам алайхиссалом ўз умри қисқалигидан сўраган ва ўзининг умри минг йил бўлади, деб маълум қилган эди. Одам алайхиссалом умрй тўққиз юз олтмишга етганда Малақулмавт қазрати иззати жалли жалола «қуллика» валлаху йадъу ила Қаруссалом» («Оллох Қаруссаломга қакиради») «Қулли нафсин зойика тул-мавти» («Қар бир тирик қон ўлим мақасини тотиб қўрувқидир») (оят) эшигини қокди.

Ўзоқ вақт ўлтирган шундай қишиқи, янги қелақиганларга қой қардоз ётур.

Одам алайхиссалом қавоб бердики, яна умримдан қирк йил қолган. Малақулмавт деди: Қовуд алайхиссаломга бақшида ётгандинг. Одам алайхиссалом инқор қилиб деди: мен қачон умримни бағишладим? Балқи, бандалик одоби ва қазрати иззат илоҳийлик қарам қазинақидан (В. 46) илтиқо қилгандурман, қероқи, мен ўз соҳибим ва малиқимдан бирор нарсa сўрамоқ бўлгандирман. Шундай ибодат билан баён қилинақиган одоб шундайқи,

фалонсиз ёр менга бир нарсани фазл килди. Мен сенинг фалон бандангга лойик кўраман. Фалон бандангни эса бу фазилатдан махрум этаман. Магар у воҳиб ул-атоёя карамига шундай (банда) лойик ва сазоворки, ҳар икки банда ул фазлдан махрум бўлмаса.

Малакулмавт ҳазрати иззати жалли жалола амри билан қайтиб кетди. Ҳазрати бори инфиюли ва бакуддус олий карами билан Довудга қирк йил умр бағишлади. Одам алайхиссаломга ҳам қирк йил мухлат берди, то минг йил тўлиши учун. Ружуъи ҳаба шариатда жоиздир, уни бу ердан олдилар.

Шундан кейин Шис алайхиссалом даври келди. Ҳазрати ҳақ жалли жалола унга элчи юборди, буюрдикки, бани одам бир-бири билан аҳд қилган ёки муомала ўрнатганларида икки одил гувоҳ ҳозир бўлмоғи лозим. Шундан тазкира излашлари лозимки, сўнг уни инкор қилиш мумкин бўлмасин. Алқисса, Одам алайхиссаломнинг умрига минг йил тўлгач, Малакулмавт ўз вазифасига қиришди. Айтишла-рича, Одам алайхиссаломга дастлаб сажда қилган малоика-лардан Исрофил ва Жаброил (алайхиссалом) бўлдилар. Иблисга тааллуқдор малоикаларки, иблис лафзи аҷамий бўлиб, Одам алайхиссалом шариати худопарастлик, салавот, савм ва қурбон эди. Қасрли қоф (билан ўқиладиган) қирбон (лафзи) аёлга яқинлик қилмоқликдир. Май ва чўчка тухумидан ҳазар қилмоқ. Барча одамлари миллати бир хил бўлиб, бугдойранг бўлган. Машхурдирки, Жаброил алай-хиссалом ерга нозил этилиши билан Одам алайхиссаломни дастлаб темирчилик санъатига ўргатдики, ўйин олатларини ясагай, зироат эккай, нассожлик асбобларини тарошлагай, бофанда санъатини ҳосил қилгай ва ўз авлоди орасидан онасининг ёлғиз фарзанди Шисни нассожлик санъатига ўргатди. Одаму Хавво алайхумуссаломдан қирк бир фарзанд вужудга келдилар. Йигирма битта қориндан йигирма бир нафар ўғил ва йигирма нафар қиз ҳамда минг нафар набира қўргани аниқланган. «Аҳсан ул-қисас» соҳибининг ёзишича, ҳазрати Одам алайхиссалом бир мингу қирк ёшга қирганлар. Тарих (фани) арбобларининг баъзи ривоятига кўра, минг йил, сир аҳлидан бўлган гуруҳнинг сўзига қараганда — 937 йил умр қўрган бўлади. Ул жаноб қасал бўлган қунларини ўн бир қун ёки йигирма бир қун деб ёзадилар (в. 5а).

Одам алайхиссаломнинг охиратга сафар хангоми тўлган-да Шис алайхиссаломни Хаввонинг васийи қилиб қолдирди ва унинг аҳволининг ҳифзи борасида васият қилди. Одам алайхиссаломнинг равшан пешоналарига сабт қилинган ва Одам алайхиссаломдан Шис алайхиссаломга ўтган нури Муҳаммадий бобида ҳам қўшиш қилди. Санаи муқаддас муҳаррам ойининг ўнинчи, жумъа қунида Маккаи муаззамада таворих аҳли баъзисининг сўзига қараганда, Оллоҳ раҳматига муваффақ бўлди. Қўпчилик фикрича, Абу Қабис тоғида, ризоятга кўра Сарандиб тоғида, баъзилар фикрича Нажафда Муртазо Али қарамуллоҳи важуху ёнида дафн этилди. Ҳазрати Абулбашар алайхиссалом вафотидан йил ёки етти йил ўтгач, Ҳазрати Хавво розиоллоҳу анҳу борлик қўчини оламдан йигиштирди. Жидда шаҳрида дафн этилган. Таворих арбоби сўзига қараганда Одам алайхиссалом муқаддас ёнидан жой олди. Чунончи, Нух алайхиссалом Тўфон вақтида уларнинг суяқларини Ҳақ амри билан кемага олди. Тўфон тамом бўлгач, Байтул муқаддасда тупроққа топширганлар. Бир юз йигирма йил муддатда, баъзилар фикрича, олтмиш йилда йигирма саккиз саҳифа, бошқа фикрга қараганда, йигирма саҳифа унга нозил бўлган. Умумалқитобнинг абжад, хавваз, хутти, қаламан, саъфас, қарашат, қараз, зазағ Одам алайхиссалом сурасидирки, Одам алайхиссалом бу саҳифаларини Сифри Одам деб атайдилар. Уларни Афлотуни Илоҳи юнон тилига тафсир этганди. Ҳазрати амирулмўъминин Али, қарамуллоҳи важуху, унинг тафсирини араб тилига таржима

килган эдилар. Айтишларича, Одам алайхиссалом Шис алайхисса-ломни засий ва ўзига ўринбосар килиб колдириб дорулбако-га сафар килганда, Хак таоло амри билан Жаброил алайхиссалом келиб хазрати Шис алайхиссаломга Хак пайгомани етказди. Хазрати Одам алайхиссаломни ювиб, кафанга ўраб, унга жаноза ўкидилар. Маккаи муаззамада Иброхим ери билан Хажар ул асвад ва замзам мобайнида, Имом Шофеъий ёнигаки, бу ерни Хатим деб атайдилар, Одам алайхиссаломни дафн килдилар. Айтишларича, Хазра-ти Одам алайхиссаломнинг авлоди Кобил ва Хобил ўлдирилган вақтда Кобил наслидан минг эркагу аёл колган эди. Хобил наслидан кирк минг эру аёл колганди. Оллох аниқрок билувчидир. (в. 5б.)

(давоми бор...)